

8. Женкинсон. А - Путешествие в землях Бактрии.-Ташкент.: 1968. – С. 240.

Айматова Зарнигор Гуломовна

Бухоро Давлат Университети Тарих ва юридик Факулъети Жаҳон тарихи

кафедраси ўқитувчиси

Эсанова Дилмира

Бухоро Давлат Университети Тарих ва юридик Факулъети тарих йўналиши 4-курс талабаси

**XX АСР ЎРТАЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ҲАЖ
ЗИЁРАТИ**

Аннотация: Ушбу мақолада XX асрнинг совет ҳокимияти йилларида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж зиёрати масалалари ёритилиб берилган. Давр бирламчи манбалар ва адабиётлар қиёсий таҳлили орқали ўрганилиб, тегишли илмий хуносалар қилинган.

Калит сўзлар: Совет ҳокимияти, Бухоро амирлиги, ҳаж, Макка, Мадина, умра, Туркистон генерал-губернаторлиги, мадраса, масжид, таъқиб

Айматова Зарнигор Гуломовна,

преподаватель кафедры всеобщей истории историко-правового факультета

Бухарского государственного университета

Эсанова Дилмира,

студентка 4 курса историко-правового факультета Бухарского

государственного университета

Аннотация: В данной статье освещаются вопросы паломничества мусульман Средней Азии в годы советской власти в 20 веке. Период изучен посредством сравнительного анализа первоисточников и литературы и сделаны соответствующие научные выводы.

Ключевые слова: Советская власть, Бухарский эмират, Хадж, Мекка, Медина, Умра, Туркестанский генерал-губернатор, Медресе, Мечеть, Гонения.

Aymatova Zarnigor Gulomovna, teacher of the Department of World History,

Faculty of History and Law, Bukhara State University

Esanova Dilmira, 4th year student of History and Law Faculty of Bukhara State

University

Annotation. This article highlights the issues of pilgrimage of Central Asian Muslims during the years of Soviet power in the 20th century. The period was studied through the comparative analysis of primary sources and literature, and appropriate scientific conclusions were made.

Keywords: Soviet power, Bukhara Emirate, Hajj, Mecca, Medina, Umrah, Turkestan Governor General, Madrasah, Mosque, Persecution

Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Мустақиллик шарофати билан ҳамюртларимиз ҳажга ва Умрага-Макка ва Мадина зиёратига, диний фарзни адо қилишга бориб келмоқдалар.

Совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёрати Россия империяси сиёсати билан узвий равишда боғлиқ бўлган. Бу Туркистон генерал –

губернаторлиги, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, бутун Россия империясининг қўшни мамлакатлар, айниқса, Эрон, Туркия, Афғонистон, Британия Ҳиндистони билан кўп томонлама муносабатларидан келиб чиққан. Иккинчидан, бу жараён иқтисодий омил билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, катта миқдордаги маблағ Шарқ мамлакатларига, асосан Саудия Арабистонига оқиб кетарди. Тўғри, Саудия Арабистони номи билан бир бутун давлат 1932 йилда ташкил топган, бироқ тарихий адабиётларда бу атама, бу санадан олдин қўлланилган. Ҳаж зиёратини адо этиб қайтган мусулмон вакилларнинг ахлоқий–маънавий дунёқарашида ўзгаришлар содир бўлиб, улар дунёни, ҳаётни бошқача идрок қила бошлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Тадқиқотлар шуни кўрсатади, Туркистон генерал – губернаторлиги даврида Макка ва Мадина ҳажига борувчилар сони кўп эди. Россия империяси мусулмончилик билан ҳисоб- китоб қилишга мажбур бўлганди. Ҳар йили ўлкада 2-3 бор кўтарилилган ҳалқ қўзғолонлари империя маъмурларини эҳтиёткорлик билан сиёsat юритишга унданган.

Диний эътиқод мутаассиблиқ, эскилиқ сарқити сифатида қараладиган бўлди деб ҳисобланади. Коммунистик мафкура хукмронлиги шароитида мусулмон аҳоли оғир турмуш шароитига тушиб қолди. Диний маросимларнинг тақиқлаб қўйилиши, мадраса ва масжидлар ёпилиши, ислом меъморий обидаларикинг вайрон қилиниши, 1917 – 1924, 1925 – 1935-йиллардаги ҳарбий тўқнашувлар ўзбек ҳалқи маънавий – маданий ривожига ўнглаб бўлмас зарбалар берди. Таъқиб ва тазиқлар большевиклар томонидан диний уламоларга ҳам, мусулмон аҳолига ҳам ўтказилди. Мусулмон уйғониш даври моддий ва маънавий ёдгорликлари қаровсиз ҳолда қолиб, ярим ҳароба ҳолатига келтирилди. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи ўрганилар экан, 1920 – 1930 йилларда Фарғона водийси, Бухоро ҳудудларидан айrim йилларда 2 – 3 киши ҳаж зиёратига борганлиги кузатилади[3; Б. 62 – 63.]. 1976-1992 йилларда мавжуд бўлган “Ватан” жамияти фаоли Аҳмаджон Луқмонов совет ҳокимияти йилларида ҳар йили СССРдан ўртacha 20 кишидан 30 кишига қадар мусулмонлар ҳаж зиёратига боришини таъкидланиди. Ҳаж зиёрати учун Макка ва Мадинага амаллаб етиб олган бармоқ билан санарли шахсларнинг ҳам айримлари Ватанга қайтмасдан, у ёки бу Шарқ мамлакатларидан бирида яшаб қолишган. Уларнинг кўпчиликлари Туркия Республикасини иккинчи Ватан сифатида танлашарди. Собиқ зиёратчилар Туркия шаҳарларида савдо – тижорат ишлари, хунармандчилик, ҳамоллик ва бошқа хизматлар билан шуғулланишган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939 – 1945 йй.) совет ҳукумати динга муносабатда “юмшоқлик” йўлини тутди. Мақсад фашизмга қарши курашда диний уламолар ва мусулмон аҳолини ўз тарафида туриши оғир дамда жамият яқдиллигига эрдишиш эди. Қолаверса, СССР мусулмон мамлакатлари билан яқинлашганди. 1943 йилдан диний расмий идоралар ташкил этилди[2;Б.208]. Тошкент, Уфа, Боку, Бўйноқда ҳудудлар бўйича мусулмон бошқармалари ташкил этилди. Жумладан, Ўрта Осиё мусулмонлари диния бошқармаси (кейинчалик Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси) тузилди. Мазкур диний бошқармага ва Ўзбекистон ССР ҳукумати Маориф нозирлиги ҳузуридаги “Диний ишлар қўмитаси” га ҳаж зиёратига бориши учун расман ариза беришга руҳсат этилди. Ҳаж зиёратига бориши учун жуда кўп сунъий тўсиқлардан ўтиш керак эди. Шунинг учун зиёратчиларнинг йиллик ўртacha сони, бармоқ билан санарли бўлиб қолаётган эди. 1944 йилда Совет Иттифоқидан ҳаж зиёратига борганлар сони 6 нафарни ташкил этди. 1953 йилда эса 23 киши Макка ва Мадина ҳажида бўлиб қайтганди. 1944-1953 йилларда ҳар йили ўртacha зиёратчи мусулмонлар сони 15 – 18 нафардан ошмаган. Зиёратга бориб қайтган мусулмонларнинг 50 – 60 фоизини Ўзбекистон мусулмонлари ташкил этган. Албатта, кўп миллионли СССР давлати аҳолиси учун юқорида кўрсатилган рақамлар ўша давр учун, аҳамиятсиз, номигагина ҳаж зиёратини амалга оширишга руҳсат берилганлигини кўрсатади.

Совет ҳукумати органлари ҳаж зиёратига ариза берган шахсларни (фуқароларни) ижтимоий келиб чиқишига катта эътибор қаратарди. Зиёрат учун руҳсат берилганларнинг асосий қисми диний уламолар, магазин мудирлари, қоровуллар эди. Ҳукумат аъзолари

қолоқлик ва мутаассибликда айбланишдан, эгаллаб турган мансабларидан ажралиб қолиш хавфидан кўрқиб, улар ҳаж зиёрати учун ариза беришмасди. Ҳаж зиёратидан қайтган кишиларга ҳожи ош бериш, хатм-куръон қилиш, ўзини билдириш амалда таъқиқланганди. Номигагина ишлаб турган 2-3 мадраса ва масжитларнинг хизматчилари ҳаж зиёратига кетадиганлар умумий рўйхатга киритилардилар. Аслида ҳаж зиёрати истагини билдирганлар ва ҳукумат органларига ариза билан мурожаат қилганлар аслида қўп сонли бўларди. Мусулмон аҳоли ҳар қандай тўсиқ, тақиқларга қарамай ариза беришда давом этаверган. 1961 йилда Макка ва Мадина ҳаж зиёратига бориш истаги билан 100 нафар мусулмон (Ўзбекистондан) мурожаат қилган. Узоқ текширувлардан кейин факат 6 нафар мусулмонга ҳаж зиёрати учун рухсат берилган. Ҳаж зиёратига юбориш мусулмонларнинг Диния Бошқармаси ихтиёрида эмасди, бу жараён ҳукумат ва СССР Давлат Хавфсизлиги (КГБ) идораси томонидан назорат қилинарди. Мусулмончилик қоидаларини бажариш билан боғлиқ ишлар 1970 – йиллар охири – 1980 – йилларда янада қатъий таъқиб остига олинди. Ўзбек ҳалқи учун асрлар бўйи яшаб келган урф–одат ва анъаналар қолоқлик, диний мутаассиблиқ кўринишлари қолдиқлари сифатида қораланди ва амалда тақиқлаб қўйилди. Рўза ҳайити, Қурбон Ҳайити байрамлари нишонланмас, ҳатто, “Наврӯз” ҳам диний байрам деб эълон қилинди[1; С. 49 – 61.].

1980 – йиллар бошида мусулмон одат ва маросимлари тақиқланди, ҳатто жаноза маросимлари ҳам ўтказилмай қўйилди. Айниқса, компартия аъзолари ва ҳукумат раҳбарлари ўзларини яқинлари жанозасига ҳам боролмай қолди. Зўровонлик йўли билан мусулмон урф–одатлари тақиқланиши ҳаж зиёратига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, 1960 – 1980 – йилларда ҳар йили ўртacha 25 – 38 нафар мусулмон зиёратчи Макка ва Мадина ҳажида бўлиб қайтган холос[4;Б.114.]. Ҳаж зиёратида бўлган аҳоли орасига “маҳсус хизмат” вакиллари киритилиб, улар қатъий жадвал асосида зиёрат арконларини бажаришар эди. Шунингдек, зиёратчиларнинг асосий қисмини диний муассаса ва диний ташкилотларда фаолият юритганлар ташкил этганлигини тарихий далиллар тасдиқлайди. Ҳукумат сиёсатида мафкуравий куч ва таъсир ўтказишдан ҳимояланиш мусулмон аҳоли учун кўплаб қийинчилик ва руҳий азобларни юзага келтирганди.

Хуллас, совет ҳокимияти йилларида Собиқ Иттифоқ, жумладан, Ўзбекистондаги мусулмонларнинг мұқаддас шаҳарлар: Макка ва Мадинага ҳаж зиёратини бутунлай тақиқлаб қўйилмаслик мақсади жаҳон жамоатчилиги қўзи олдида СССРни эркин ва озод ҳалқлар иттифоқи қилиб кўрсатишга қаратилган эди. Совет ҳукумати ислом динига, мусулмон аҳоли ва дин уламоларига нисбатан муносабатда Россия империясидан ҳам бир неча карра ортиқ салбий муносабатда бўлганди. Туркистон Россия империяси таъсирида бўлган йилларда мусулмон зиёратчилар сони ҳар йили 5 – 7 минг нафар атрофида бўлса, совет ҳокимияти йилларида уларнинг сони бир йилда бир неча ўн кишидан ошмаганлиги юкоридаги фикримизни исботлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алимова Д., Шодмонова С. Из истории паломничества мусульман Центральной Азии в Мекку (конец XIX – начало XXI вв.) // О`zbekiston tarixi; 2011. - № 1. С. 49 – 61.
2. Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. – Тошкент: “ABV MATBVOT KONSALT”; 2008. – Б. 208.
3. Одилов А. Совет ҳукумронлигининг дастлабки йилларидағи диний сиёсат тарихидан // ЎзМУ хабарлари. 2008. - № 2. Б. 62 – 63.
4. Сайд Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, - 2004.(форс-тожик тилидан т.ф.н.доц.Х.Х.Тўраев таржимаси). – Б. -144.
